



XX АСРНИНГ БОШЛАРИДА ОРОЛ БАЛИҚЧИЛАРИНИНГ БАЛИҚ ОВЛАШ ҚУРОЛЛАРИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18920163>

С.Ж.Ержанова

*Қорақалпоғистон Республикаси тарихи ва маданияти давлат музейи филиали
Мўйноқ экология музейи филиали бошлиғи*

Аннотация: Ушбу мақолада XX аср бошларида Орол балиқчиларининг балиқ овлаш қуроллари ва уларнинг хўжалик ҳаётидаги аҳамияти ҳақида сўз юритилган. Айниқса, музей экспозициясида турган балиқчилик қуроллари ва улар ҳақида тушунча берилган.

Таянч сўзлар: Орол, қайиқ, чана, қаза, мардан, ов, жилим

Abstract: This article discusses the fishing tools used by Aral Sea fishermen in the early 20th century and their significance in their economic life. In particular, it provides an explanation of the fishing equipment displayed in the museum's exhibition.

Key words: Aral, boat, sleigh, qaza, mardan, fishing net, jilim

Орол денгизи шарқда Қизилқум чўли ва ғарбда Устюрт текислиги билан чегараланган. Денгизга Амударё ва Сирдарёнинг сувлари куйилиб турган. Денгизнинг шарқий томони анча саёзроқ, аммо ғарбий томони бироз чуқур бўлган. Шунинг учун ҳам ҳозирги вақтда ўша ғарб томонида озроқ сув сақланиб қолган. Энг чуқур жойи 69 метр бўлган.

1950 йилларда Орол денгизининг майдони 68 минг кв. км, узунлиги 426 км, эни 284 км бўлиб, майдони бўйича дунёдаги кўллар орасида тўртинчи ўринни эгаллаган.

"Орол" атамасининг ўзи туркий тилларда "орол" маъносини билдириб, денгизнинг бундай аталиши бўйича ҳам бир неча тахминлар бор. Айрим

олимлар бунин Орол денгизида жуда кўп миқдорда, 300 дан ортиқ ороллар бўлганлиги билан боғласа, баъзилари Орол денгизининг чўлда воҳа сифатида, яъни орол кўринишида бўлганлиги билан боғлайди.

Энг катта ороллардан Кўкарал, Борсакелмас ва Возрождение ороллари ҳамда Мўйноқ яримороли бўлади. Мўйноқ 1950 йиллари жанубий томони саёз сув билан ўралган орол бўлган. Шимол томони ўткир бурчакли шаклга эга бўлиб, бу жой "Йўлбарс думи" деб аталган.

Орол денгизи атрофида яшовчи халқларнинг асосий касби балиқчилик бўлиб, Оролнинг жанубий томонларида минг йил аввал балиқ овлана бошлаган. X асрда яшаган



машхур араб сайёҳи Ибн Руста бу ҳақда шундай ёзади: "Орол денгизи балиққа жуда бой. Унинг қирғоқларида балиқчилар қишлоғи тез-тез учрайди.

1740 йили инглиз савдогари Томпсон "Амударёнинг қуйи оқимида қорақалпоқлар яшайди. Улар қамиш қайиқлар билан қирғоқга яқин жойларда сузиб балиқ овлайди" деб эсдалик ёзиб қолдирган. XIX-асрнинг биринчи ярмида Г.Гелмерсон "Қорақалпоқлар кичик кема билан Орол денгизига чиқиб балиқ овлайди" деб кўрсатади.

Орол балиқчиларининг балиқ овлаш қуроллари ва транспортлари XX асрнинг бошларигача оддий бўлган. Улар балиқ овлашда асосан тўр, қармоқ, баспай, санчқи, қаза, илма, керши қуролларида фойдаланган бўлса, уларнинг асосий транспорти қайиқ, сал ва чана бўлган. Тўр ва жылым илгари кўпинча каноппўстлоғи толаларидан, кейинроқ йиғирилган пахта толасидан ийнелик ва қалақ деган тўқиш воситасининг ёрдами билан тўқилган. Жылым ва тўрнинг тор кўз (майда балиқ учун), кенг кўз (каттароқ балиқлар учун) деган турлари бўлган. Тўрни тўқиш учун кўпинча балиқ овловчи хонадоннинг аъзолари, каттароқ жылым ва тўрларни тўқиш вақтида икки-уч хонадоннинг одамлари қатнашган. Тўр тўқиш учун балиқчилар узунлиги қаричга тенг тахтачадан бошини ўтқир қилиб, уч тилли санчқиға ўхшатиб бўз

тўқийдиган "маки" ясайдиган эди. Бўз тўқувчилар буни "маки" деса, балиқчилар уни "ийнелик" дейди. Ийнелик тез тўлдириш ва кўп ип ўраш учун унга ҳам маҳорат, чакқонлик керак. Янги ўрганувчилар ипни бўш ўраб, бир ийнеликни аллақачон ипга тўлдирса: баъзи усталар ипни зич ўраб, бирин-кетин, иккинчисини бир зумда тўлдириб, кўли кўлига тегмайди. Тўр тайёр бўлгандан кейин уни кўк тошга қайнатса сувга чидамли бўлади деб уни кўк тошга қайнатган.

XX асрнинг бошларига қадар балиқчиларнинг асосий транспорт воситалари қўғадан ясалган сал, туранғил ва толдан бириктирилиб ясалган қайиқ, шунингдек киш ойларида чана бўлди.

Сал- қўғадан боғланиб ишланиб, унинг боши ва орқа томони қайроқ, ўртаси одам ўтиришга, туришга, таёв таяниб ҳайдашга қулайроқ қилиб ясалган бўлади. Унинг умумий эни икки-икки ярим метр, узунлиги уч-тўрт метр атрофида бўлади.

Қайиқ - балиқчилар ҳаётида энг муҳим ўрин тутган транспорт воситаси. Буни маҳаллий халқ усталари оқ тол, туранғил каби ёғочлардан йиғиб ясаб олиш усулини билган. Унинг "ов қайиқ" ёки "нарете қайиқ" турлари бўлган. Бундан ташқари балиқчилар орасида "хивали қайиқ" бўлиб, бу хивалиқлар томонидан ясалган бўлиб, у жанубий Орол балиқчилари орасида кам учраган. Сабаби, у қайиқ катта, оғир бўлганлиги учун балиқ овлашга



ноқулай бўлиб, ҳар хил юкларни ташиш учун фойдаланилган.

Чана - қишда музнинг устида юриб балиқ овлаш учун фойдаланилган. Чананинг сирпанғичи суякдан ясаиб, ҳар икки томонга саккиз ярим суякни ёғоч мих билан маҳкамлаб ишланган. Бундай чанани "суяк чана" ёки унга қўшилган транспортнинг турига қараб - агар, от қўшилса "от чана," хўкиз қўшилса "хўкиз чана," эшак қўшилса "эшак чана," қўл кучи билан тортиладиган чаналар "қўл чана" деб аталган. Бу чаналарнинг барчаси ҳам фақат балиқ овлаш учун транспорт воситаси бўлиб қолмасдан, балиқчиларнинг хўжалик ҳаётида ўтин, пичан, қамиш ва бошқа юкларни ташишда катта аҳамият касб этган.

Балиқчилик анжомлари сақланадиган жой - Қорақалпоғистон Республикаси тарихи ва маданияти давлат музейи филиали Мўйноқ экология музейи. Музейда балиқчилик қуруллари қора қайиқ, эшак, таёв, қаза, мардон ва ҳ.к. сақланади.

Яна бир балиқчилик асбобларидан бири - қаза, у

музейимиздаги балиқчилик касбига оид экспонатлардан бири бўлиб, у юлғун ёки нор қамишдан тўкилиб, у билан денгиз ёки кўл қирғоқларида ёйилма сувлардан балиқ овланган. Қазанинг бир неча турлари бўлиб, бу қазалар бир-биридан узунлиги, баландлиги билан фарқ қилган.

Қаза билан кўпинча икки-уч одам бирлашиб тўкиб, "қаза шерик" бўлиб балиқ овлаган. Уни ёз ойларида кунига икки марта, қиш ойларида кунига бир марта қараган. Қазага тушган балиқ қайтиб чиқа олмайди. Сабаби, унга кирган балиқ қайтиб чиқадиغان оғзини топа олмай қолади. Шунинг учун ҳам балиқчилар "қазадаги балиқ қозондаги балиқ" дейди. Қаза асосан уч қисмдан иборат. Унинг икки бўлак ўраси 10-15 метр, кейинги қисми 3-10 метр узунликда бўлади.

Мардон - овланган балиқларни сувда вақтинча сақлаб туриш учун фойдаланилган. У қўғадан тўқилган.

Хулоса қилиб айтганда, Орол балиқчиларининг балиқчиликка оид қуруллари Орол атрофида яшовчи халқларнинг маданий ҳаётида ўз ўрнига эга мерос ҳисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. А.Өтемисов, "Қарақалпақстан балықшылары," "Қарақалпақстан" нашриёти," Нукус, 1979 йил
2. Асан Бегимов, "Balıqshınıń qızı," Нукус, 2022 йил
3. Караматдин Султанов "Ақдәрья," "Билим" нашриёти, Нукус, 2018 йил
4. "Мўйнақ: Кеше, Бүгин, Ертең," Нукус, 2019 йил